

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 224 (5215).  
1 ОКТЯБРЬ 1983 й.  
ШАНБА  
Газета 1986 йил  
1 июлдан чиқа бошлаган.  
Баҳоси 3 тинги.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида партия Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва картошка етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни ташкил этишни таъминлаштириш юзасидан қабул қилган қарорларини бажариш соҳасида СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Мажлисада уқитиб ўтилди. беш йиллик планини бажариш доамида министрлик бу тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мева-сабзавот маҳсулотини сақлашнинг амборларини қуриш ва шу маҳсулотларни тайёрлашни таъминлаштириш соҳасида муайян иш қилди. Сабабот ва мевалар билан савдо қилиш

бир оз яхшиланди. Шу билан бирга аҳолини картошка, сабзавот, резавор мева ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш иши, шунингдек, бу маҳсулотлар билан савдо қилишни ташкил этиш ҳамон аҳолининг эҳтиёжларидан оқибатда қолмоқда. Мева-сабзавот хўжалиги министри ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этишда оперативлик қилмапти, тармоқда ягона техника сифатини қондириш амалга оширишти, ўзига қарашли ташкилотлардаги ишларнинг аҳолини яхшилашга зарур тарзда таъсир ўтказмапти. Ҳали ҳам кўпгина маҳсулот нобуд бўлмоқда, хўжаликнинг давлат ва ижтимоий интизомини бузиш фактларига йўл қўйилмоқда. Маҳсулот етказиб беришда келишимовчилик, транспортдан, моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишнинг кўпдан кўп ҳолатлари содир бўлмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси СССР мева-сабзавот хўжалиги министри Н. Т. Козловнинг ва министрлик коллегиясининг диққат-эътиборини тўғри қарорларни қабул қилишда қаратди ҳамда уларнинг зиммасига аҳолини картошка, сабзавот ва мевалар билан таъминлашни яхшилаш, маҳсулот сифатини ошириш ва исбударчиликни қисқартириш юзасидан амалий чора-қарорларни қилиш вазифасини юклатди. Бир қанча қурилиш ва машинасозлик министрликларидан раҳбарларнинг олдида мева-сабзавот хўжалиги объектларини ўз вақтида ишга тушириш ва шу тармоқ учун зарур бўлган машина ҳамда механизмларни ишлаб чиқаришни таъминлаш вазифаси қўйилди. Республика ва маҳаллий партия ҳамда совет органларига мева-сабзавот хўжалиги ташкилотлари ва корхоналарининг фаолияти устидаги контролнинг кучайтириш, моддий-техника базасини ривож



## ҚИТЪАЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

марқандлик шоир ва адабиётшунос, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги Воҳид Абдуллоев меҳмонлари табриқлаб гапирди.

Кечада Уюшманинг Бош секретари Алекс Ла Гума сўзга чиқди.

Шу оқшом тинчликка, халқлар дўстлигига, жонажон диярга бағишланган ва ақл-заковатнинг реакция қора кучлари устидан таянганга ишонч руҳи билан тўлиб-тошган илҳомбахш сабтрлар янгради. Евгений Долматовнинг, Ўзбекистон шоир Суан Зиев, Қозғоқ вакили Деспольдо Мамонсоно-Пинди, тунислик адиб Муштафа ал-Ферис, тожик шораси Гулрухсор Сафиева ўз

шеърларини ўқидилар. Самарқандлик шоир С. Сирожидинов ўзининг «Қитъалар қўл қисшуви» номли шеърини Тошкент конференцияси қатнашчиларига тортиқ қилди.

реницияси мақсадлари ҳамда вазифалари ҳақида гапирди. Фаластинлик шоир Муни Бенсу, Ленинградлик Анатолий Чепуров, ҳинд шоири, «Нилуфар» мукофотининг лауреати Раҳимжад Авасти, набибийлик ёзувчи Нгуно Вакоделларнинг тинчлик ҳақида, халқнинг бахт-саодати учун курашиш тўғрисида, улуғ Ленин ҳақида айтган сўзлари янгради.

Урганддаги Отаҳий номли обласий театрида дўстлик келиши бўлди. Унинг қатнашчилари ўз талантлари билан инсониятнинг олжаноб идеалларига хизмат қилишга қарор берганликларидан ҳақида яқдиллик билан гапирдилар.

(ЎЗАТ).

### «Тошкент оқшом» илтимосига биноан интервью

## Чингиз АЙТМАТОВ: ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА

«Тошкент оқшом» мухбирининг саволларига Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чингиз АЙТМАТОВ жавоб беради:



— Чингиз Тўрақулович, Сиз яна Тошкент заминдасиз. Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқалар Совет комитети раисининг ўринбосари, Африка ва Осиё ёзувчилари бирдамлик ҳаракатининг ветерани сифатида ана шу ҳаракатнинг вужудга келиши ва мустаҳкамлашида Тошкентнинг аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу бугунги кунда маданиятнинг бир-бирига яқинлашуви жараёни тарихий факт бўлиб қолди. Биз ҳар қандам ана шу ўзаро таъсирнинг ҳис қилиш тўғрисида.

бошқа адибларнинг ижодини ҳамда диққат ва мамнуният билан кузатиб бораман. Албатта, китобхонлар ҳам менинг ғойибона дўстларимдир. «Оқ кема» асарини саҳналаштирган Охунжобоев номли ёш томошбинлар театри коллективи ва томошбинлари билан учрашув ҳам менга катта қувонч бахш этди. Мен ана шу спектаклни мароқ билан томоша қилдим.

— Ҳа, шаҳрингизда жуда кўп бор меҳмон бўлганман. Ўзининг 2000 йиллигини яқиндагина нишонлаган Тошкент йилдан-йилга ўзгариб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Аммо Тошкент ва тошкентликларга хос бўлган самимийлик ва саҳоват руҳи ўзгармаган.

— Бу жараён жуда мураккаб ва кўп қиррали. Осиё ва Африка ёзувчилари бирдамлик ҳаракати унда қандай роль ўйнамоқда?

«Тошкент оқшом» газеталарининг ўқувчилари Сизнинг асарларингизни ҳам севиб мутолаа қилишди. Уларга қандай тилларингиз бор?

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЭРТАГА — ҲАҚИҚАТЧИЛАР КУНИ

### Олижаноб вазифа

Ҳақиқатчилик минглаб касблар ичидан энг фахрли ва олжаноб касб. Чунки ҳақиқатчи ўз билими, таърибисини ёш авлодга саҳийлик билан ўргатади, уни катта ҳаётга тайёрлайди. Келгуси авлод вақилларида Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, коммунистик эътиқодни шакллантириш ҳам ҳақиқатчиликнинг масъулиятли вазифасидир.

Ҳозир ҳар кун мактабларга ўн беш миңдан ортиқ ҳақиқатчи келишди. «Салом, болалар!» дейишади улар. Илм ўқиқларига қаровчан, аниқ мақсадга қаратилган дарслар шундай бошланади.

«Ҳар бир ўқувчи чукўр ва мустаҳкам билим берайлик; актив ҳаётий позицияга ўргатайлик» шiori бўйича ишлаётган шаҳримиз педагогик коллективлари ўқув-тарбия жараёнларини таъминлаштириш, ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш, билимларини мустақил эгаллашга ўргатишда катта иш олиб боришмоқда. Шаҳримиздаги 22, 9, 64, 182, 106, 41- ва бошқа мактабларнинг моҳир коллективлари бу борада яхши натижаларни қўлга киритишяпти.

Ижодий ишлаб, ўқитишнинг энг самарали форма ва методларини мунтазам излаётган ва қўллаётган коллективлар ўқувчиларнинг ҳаёти ва меҳнатда зарур бўлган билимларини яхши ўзлаштиришларига эришмоқда. «Таълимнинг умуллий меҳнат билан боғлаб олиб бориш» яъни тарбия вентасидир, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида. — мактаб ўқувчиларига фойдали меҳнат одатини ва унга меҳр-муҳаббатни синдириш йўлини қатъият билан ўтказиш керак». Шаҳримизда мактаб ўқувчиларини меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда кўпгина ишлар қилинмоқда. Улар 12 ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида, мактаб устaxonалари, корхоналарнинг ўқув ҳаёларида касб эгаллашяпти. Минглаб юқори синф ўқувчилари ҳар йил ўз мактабларининг ремонтига қатнашадилар. Бу йил Ленин райони ўқитувчилари «Ҳар бир ўқувчининг иш ўрни бўлсин». Куйбишев район ўқитувчилари эса «Меҳнат таълими ва тарбияси ишлаб чиқариш ҳаракатида бўлсин» ташаббуслари билан чиқишди. Усиб келаётган авлоднинг таъбиялаш бўйича партия ва халқ олдидан ўзларнинг юксак масъулиятини чуқур ҳис этган педагогик коллективлар мактаб ўқувчиларини юксак ижтимоий мақсадлар руҳида тарбиялашмоқда, уларга ғойий эътиқод, меҳнатга чинкам ижодий муносабат ва интернационализм руҳини шакллантиришмоқда. Мактабларда ўзлаб интернационал дўстлик клублари ишлаб турибди. Масалан, ҳинд тили ўқитилган шаҳримизнинг 24-мактаби ўқувчилари Хиндистоннинг Ехонал штатидаги тендошлари билан хат ёзишб туришади, фотосуратлар ва расмлар алмашишади. Бу ерда ёш мутахассислар



Абдусалом Отамов 40 йилдан бери математикадан дарс беради. У Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, СССР халқ маорифи аълочиси, коммунист, Тошкент шаҳар Октябрь районидagi 169-мактабда ишляпти. Л. Гусенинов фотоси.

## РАЙОН СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Куйбишев район Советининг VI сессиясида КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорлари асосида кўрсатишнинг аҳоли, унинг даражаси ва маданиятини ошириш масаласи муҳокама этилди.

Сайловчилар наказыларининг бажарилиши кўриб чиқилди. Халқ депутатлари район Советининг уй-жой хўжалиги бўйича доимий комиссияси иши ҳақидаги ҳисобот тингланди. Сессияда, шунингдек ташкилий масала кўриб чиқилди. Куйбишев район Совети ижроия комитети раиси эътиб А. Қ. Нўрмонов сайланди.

Халқ депутатлари район Советининг VI сессияси ишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

## — монғу — газеталарга

Афғонистон Демократик Республикаси жамоатчилигининг бир гуруҳи вакиллари ўн кун давомида Ўзбекистон ҳаёти билан танишдилар. Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини ва янги қурилишларини бориб кўрдилар. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамоиятида бўлди.

Афғонистон жамоатчилигининг вакиллари республика бўйлаб сафар қилдилар. Улар Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғона, Марғилон шаҳарларига бориб, бир қанча саннат корхоналарида, колхоз ва совхозларда бўлдилар, меҳнаткашлар билан, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашдилар.

(ЎЗАТ).

## БАЙРАМ ҚАҲРАМОНЛАРИ — ҲАҚИҚАТЧИЛАР

30 сентябрь кунин Тошкентда Бутунитифок ўқитувчилар кунига бағишланган ташкилий

Илғилиш бўлди. «Баҳор» концерт залига педагогларни табриқлаш учун машур ишчилар, беш йиллик илборлар, маданият, илм-фан арибдорлари, пионерлар ва мактаб ўқувчилари келишди.

Илғилиш Тошкент шаҳар кичкина комитетининг раиси В. О. Козлов эди. Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермухамедов доклады қилди.

## ЎЗУВЧИЛАР АНЖУМАНИ ШАРАФИГА

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Уюшмасининг VII конференцияси шарафига Тошкентдаги «Пахтакор» стадионда катта бадий спорт байрами бўлди.

Минбар марказий секторининг ўзига хос ижодий экранига айлантирилган устоналаридан бирда ёзувчилар анжуманининг эмблемаси — «Тошкент-1983» сўзлари ёзилган оқич китоб фойдала қитъаларининг рамзий

қўл сиқишуви кўзга ташланди. 25 рақами ҳам порлаб турди. Икки қитъа адибларининг биринчи Тошкент конференциясидан кейин орадан шунча йил ўтди. Стадион минбарларида ёзувчилар анжуманининг қатнаш

## ҲАМФИКР АДИБЛАР УЧРАШУВИ

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари VII конференцияси ишда таниқли татар адиби, Татаристон АССР Ёзувчилар союзи президенти раиси, СССР Олий Совети депутати Гариф ОХУНОВ ҳам иштирок этмоқда. Мухбиримиз ёзувчи билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мувожабат қилди.

— Икки қитъа адиблари анжумани муваффақиятли якунлашмоқда. Ана шу ҳақда таассуротларингизни ўртоқлашсангиз?

тилида чоп этилмоқда. Жў м а л а д а, м е н н и н г б и р ж и л д л и к қиссаларим тўплами «Дўстлик» кутубхонасида нашр этинига ҳозирланмоқда.

— Конференция жуда яхши ташкил этилди. Осиё ва Африкадан келган қўлаб адиблар унда нуфў сўзлашди. Ўз фикрларини изоҳ этиш имкониятига эга бўлдилар. Интернационал дўстлик кечалари, турли корхона ва муассасаларда бўлган учрашувлар ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Икки қитъадан келган адиблар Тошкент ва Ўзбекистон мисолида халқларнинг социал-демократик қандай тартибига ва ютуқларга эришиши мумкинлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Конференция адиблар ва халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришда ўзига хос муҳим босқич бўлиб қолди.

— Мен янгида «Эдил қизи» номли дилогиямни таъминладим. Бу асар устида йигирма йилга яқин иш олиб бордим. Татар аёлининг қолдиқ ва қўлдан кутулиб, эрк эзисидан баҳраманд бўлганлиги, янги жамаиятининг актив қурувчисига айланганлиги асаримнинг бош мавзусидир. Дилогиянинг биринчи китоби Москвадаги «Современник» нашриётида рус тилида чоп этинига тайёрланмоқда. Уни ўглим — ёзувчи ва таржимон Рашид Охунов рус тилига таржима қилган.

— Адибларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойикти жараёнида таржима муҳим роль ўйнайди. Шу

«Тошкент оқшом» газетаси ўқувчиларга катта муваффақиятлар, бахт тилайман. Гариф ОХУНОВ, 30 сентябрь, 1983 йил, Тошкент.



Гариф Охунов ўз тилақларини куйидаги сатрларда ифода этди:

«Тошкент оқшом» газетаси ўқувчиларига катта муваффақиятлар, бахт тилайман.

Гариф ОХУНОВ, 30 сентябрь, 1983 йил, Тошкент.

ҳалқларнинг метидек бирлиги алоҳида куч билан намён бўлди. ...Планетадаги барча софдил кишилар учун азиз бўлган «Тинчлик», «Меҳнат», «Озоодлик», «Тенглик» сўзлари порлаб кўринади. Қўрсатилаётган манзараларда совет кишиларининг халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчлик учун, ёш авлодларнинг бахтир келажига учун, янги уруш хавфига қарши курашишга бўлган интилиши ифода этилган. Улуғвор томошанинг охири

(ЎЗАТ).

# МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК

Савдо-сотиқда банд бўлган меҳнаткаш хотин-қизларнинг ҳалқаро конференцияси 30 сентябр кун Тошкентда ўз ишни тугатди. Конференция қатнашчилари лу тармоқ ҳодимлари олдига турган кўндал кўп проблемаларни тўрт кун мобайнида муҳокама қилдилар.

Делегатлар савдо-сотиқда банд бўлган хотин-қизларнинг жамиятида, касба соҳаларида аҳолининг улар ўз мамлакатларининг иқтисодий ҳаёти ва социал-иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссани ҳар томонлама таҳлил қилдилар.

Сўзга чиққан кишилар касба соҳаларининг хотин-қизлар ҳуқуқлари учун қураши тўғрисида гапириб, савдо ҳодимларининг про-

фессонал талаблари тинчликни ҳимой қилиши, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш билан чамбарчас боғдогоналигини таъкидладилар.

— Бутун Ер қонининг хақлари ҳамжиҳатлик тилини топишлари керак, чунки тинчлик иш, нон, яшаш ҳуқуқи каби проблемаларимиз ҳам этилганлигини билдиради, — деди Греция делегациясининг бошлиғи Янанаки Ду Ирри.

— Кўп асрлар мобайнида инсоннинг даҳоси яратган ҳамма нарсаларни йўқ қила оладиган ядро уруши хавф-хатарни олдида жим турол-

маймиз, — деб таъкидлади Мексика делегациясининг аъзоси Игнасия Монрой Фрагосо.

Янгилан аҳли Вьетнам хотин-қизларининг вакили Ле Хинг сўзларини маъқуллаб кутиб олди. У Рейган маъмурияти Жанубий Корей самолёти билан қилган ифтихорлик ҳусусида гапирди.

— Платанининг барча соф виқдонли кишилари сингари Вьетнам меҳнаткашлари ҳам шу сурбётларча ҳаранат учун бутун масъулият АҚШ маъмурияти зиммасига тўшмоғи керак, деб ҳисоблайдилар, — деди у. — Ўз давлат чега-

раларини ҳимой қилган СССРнинг хатти-ҳаракатлари мутлақо тўғри бўлган.

Конференция қатнашчилари дунё савдо ҳодимларига Мууроаотнома қабул қилдилар. Бу ҳужжатда ракета-ядро урушининг бошланғич ҳафси ошганлигидан ҳуқуқ таъшилланиш низоҳ этилган, империализмининг агрессив кучлари ўтнаётган авиатористик сибат қораланган. Мууроаотноманинги яқунловчи бандларидан бирида: «Уришидан кўра савдо қилиш ахшироқ. Тинчлик — барча халқларнинг ҳуқуқи ҳамда мақсадларига эришмоқнинг асосий шартидир», — дейлади.

Конференцияда савдо ҳодимларининг ҳаранат программаси ишлаб чиқилди. Конференция қатнашчилари Тошкент шаҳрининг касба соҳаи активи билан учрашдилар, давлат савдоси ва матбуот кооперациясини бир қанча қорхоналарининг иши билан танишдилар.

Савдо ҳодимлари халқаро бирлашмасининг секретари Альваро Вильямарин УАТАГ мухбири билан сўхбатда бўидай деди.

— Анжуманимизнинг иши, унинг қарорлари барча ўқитилар савдо ҳодимларининг ўз манфаатлари учун, тинчлик, демократия, соҳил тараққиёт учун қурашди ва бирдан билан бирдигини янада мустақамлаш учун кўмаклашишига аминман. (ЎЗТАГ).

# БИЗ ҲАММИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

## «ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида шу йил 29 сентябрга бўлган маълумот (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Республика бўйича:	2,00	25,89	1,23	6,45
Бухоро	1,57	45,44	0,24	2,32
Хоразм	2,43	34,64	1,31	5,67
ҚҚАССР	2,47	30,21	1,94	12,11
Тошкент	3,45	29,66	3,32	20,50
Сурхондарё	1,75	27,90	1,09	10,03
Навоий	1,27	27,03	0,27	0,83
Фарғона	2,04	26,30	0,08	0,19
Қашқадарё	1,66	23,61	1,04	5,43
Самарқанд	1,34	23,33	0,38	1,45
Анджон	1,79	22,95	0,30	1,01
Наманган	1,92	19,99	0,89	3,08
Сирдарё	2,20	13,36	2,29	6,93
Жиззах	2,30	12,03	2,56	11,67

● Республикада бир кунда 118556 тонна, шу жумладан 8769 тонна ниғичка толали пахта тайёрланди. Машиналар бунжердан 48539 тонна хом ашё тўқилди.


● ТОШКЕНТ. Урта Чирчиқ районидаги Оқунбобоев номидаги «Ленин кўли» қолхозларида йилнинг 10-кўндаларида прогрессив технологя асосида оқилона тарқилиб қилинган 76 териб агрегатининг ҳар бири билан ўртача 6 тоннадан хом ашё териб олинмоқда.

● ЧИНОЗ. Эркин Очиловнинг номи бугунги кунда обиласть пахтакорларга яшн таниш. У «Кўндал Октябрь» қолхоздаги ўқувчилар ишлаб чиқарш бригадасига моҳирлик билан раҳбарлик қиллаётр. Ўшлардан ташкил топган бу коллектив бир неча йилдан бери ҳар гектар пахтазордан 50 центнердан ошриб хирмон кўтармоқда.

Улган кун ана шу килор коллектив ҳар гектар майдондан 35,2 центнердан ҳосил йиғиштирб олинб, пахта тайёрлаш йиллик тади қўндал планининг бажарганликлари ҳақида габаба рапорти бердилар.

## ТАЖРИБА ҲАММИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

30 сентябр кун Тошкентда ВМТ Осиё ва Тинч океан мамлакатлари учун иқтисодий ва социал комиссиясининг семинари иш бошланди. Ирригация программаларининг деҳқончилик системасига ва практикасига



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси.

ерларни комплекс ўзлаштириш, нобэ ирригацияи иншоотларини барпо этиш, бутун йил давомида озуқа етиштириш чоғида ҳайлашдиган ерлардан интенсив фойдаланишга асосланган деҳқончиликнинг самарали системаларини ишлаб чиқиш, озуқабоп экзилар етиштириш аротехникасини тақомиллаштириш соҳасида Ўзбекистон тажрибаси билан танишадилар. (ЎЗТАГ).

Туркомиссиясининг Раиси сифатида у Гражданилар урушининг оғир йилларида Туркистон ўлисида Совет ҳоинимиятини мустақамлаш ишига катта ҳисса қўишди. 30 сентябр кун Тошкентда бўлиб ўтган таштанили йилгилиш ана шу кўтлуг санага бағишланди. Ш.З. Элнавининг шокил ҳаёти, деб таъкидланди йилгилиш. Ленин партиясига садоқат билан хизмат қилшининг ҳамши намунаси бўлиб қолади. (ЎЗТАГ).

### Ш.З. Элнава юбилейи шарафига

Ўзбекистон жамоатчилиги Ленин партияси ва Совет давлатининг таниқи арубб Ш.З. Элнава Зубабинович Элнава тутилган кунини 100 йиллигини нишонламоқда. В.И. Ленин кўрсатмасига мувофиқ ташкил қилнган Бутун Россия Марказий Икרוия Комитети билан РСФСР Халқ Комиссарлар Совети

нашр этилди. Бу китобга КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К.У. Черненкоинг «Партиянинг идеологик, оммавий, сийсий ишларининг муҳим масалалари» мавзундаги доклады, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю.В.

Андоропов нути, пленумда сўзланган нутилар, «Партиянинг идеологик, оммавий-сийсий ишларининг муҳим масалалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети пленумининг қарори ва бошқа материаллар киритилган.

Китобни сийсий адабияет нашриёти чиқарди.

СССР РАҚАМЛАРДА  
СССР Марказий статистика бошқармаси тайёрлаган ва «Финанс и статистика» нашриёти нашр этган 1982 йилда СССР халқ ҳўжалик статистик йиллик тўплам

Тўпламда бошқа социалистик мамлакатлар экономикаси ва маданиятининг ривожини кўрсатувчи баъзи маълумотлар ёритилган. Ўш қанча кўрсаткичлар капиталистик давлатлар билан қиёслаб берилган. (ТАСС).

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада халқ ва замонавий рақс санъатини ривожлантириш ва пропаганда қилишдаги хизматлари учун М. Қорибкубов номи Ўзбек давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг бадий раҳбари ўртоқ Қодир Тошқинович Мўминовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган арсти» фахрий унвани берди.

ва Ўзбекистон ССР Автомобил йўллари қуриш ва уларида фойдаланиш министриги Зарафшон йўл-эксплуатация участкасининг йул ишчиси Жумма Сафаров ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинкор» фахрий унвани берди.

Ўзбекистон ССР Автомобил йўллари қуриш ва уларида фойдаланиш министриги системасининг бир гурупа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотланди.

# ҚИЗГИН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

СОВЕТ кишилари, бутун прогрессив инсоният КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёотини ҳуқур мамнуният билан қарши олдилар. Тошкент меҳнаткашлари ҳам партия ва давлатимизнинг ер юзида тинчликни сақлаш ва мустақамлаш, қуролланиш пойгасига

чек қўйишга қаратилган ташқи сийсатини яқдиллик билан қизгин маъқулламоқдалар. АҚШнинг ҳозирги маъмурияти халқаро ишларда тутатган йўлини қатъий қораламоқдалар. Буни пойтахтимиз санаот қорхоналари, ҳўжаликлари, ташкилот ва муассасаларида бўлиб ўтаётган митинглар яна бир бор тасдиқламоқда.

ман дунёда социализмга ўрин йўқ деган фикрини ўқитишга интилмоқда. Рейган маъмурияти инсон ҳақида, унинг фаровонлиги, тинч яшаш ҳақида гапириб қилишни ўзининг бу мақсади, деб эълон қилган тузум ҳақида шундай гапларни айтмоқда. Бирок, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг баёотида ўқтириб ўтилганидек, истак бошқа, имконият бошқа. Хеч ким тарих гилдирагини тескари бура олмайдди. СССР, бошқа социалистик мамлакатлар ўз қонунларига ингилгор социал тузум қонунларига мувофиқ ишлаб, яни социалистик тузум биз, оддий кишиларга жуада катта ҳуқуқлар, меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш ҳуқуқларини берди. Республиканизмининг яна эмас, шу билан бирга, Болгария, Руминия, Мозамбик, Сурия, Анголанинг пахтазорларида

газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавоттранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз Х. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаров, А. Абдуразоқовлар пойтахт областидан хабар қилади

## 6 МИЛЛИОН ЙўЛЛАРИДА 10. ОХУНБОБОВ АСОС СОЛГАН ХўЖАЛИҚДА

Республикамизнинг биринчи президенти Ёлдош Оқунбобоев Пискент районида асос солган хўжалик ҳозир Оқунбобоев номи билан юртилади. Уша даврдаги эски клуб эндиликда қайта тикланипти. Бу клубда Ёлдош Оқунбобоев қолхозчилар билан учрашган эканлар.

Шу хўжалиқнинг кишилари баъзики Парда Туррунининг бу ердаги мактабда тазийил олганини ҳикоя қилиб беришти. Унинг «Ўқитувчи» романи персонажлари ҳам шу қолхознинг кишилариди экан. Ана шу хўжалиқда бўлганимизда қолхоз партия комитетининг секретари Нодир Абдуқасимов бу йил Ёлдош хўжалиқининг Камол Риэзонов бошлиқ қишлоқдаги 6-бригадаси дада шийони-га КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзосидаги кайидлат, Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитетининг биринчи секретари, атоқли бауици Шароф Рашидович Рашидовнинг ташриф буорганини фахр ҳисси билан сўзлаб берди. Биз ана шу бригаада бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам бригада аъзолари бу йил 125 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришибди. «Ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон қўтарди» ваъдаси бердики, уни албатта бажарамиз, — деди К. Риэзонов.

— Далаларда «зангори кема»лар сўзиб юрибди. Бутун иш «дала пункти» асосида ташкил этилган.

— Терия мавсумида бизга пойтахтнинг Октябрь райони завод ва фабрикалари вакиллари катта ёрдам беришти, — деди қўнш бригаадан ҳозиргина



кўпгина районларнинг турли хўжалиқларида бўлади. Ҳаммасида ҳам бу йилги мўл ҳосили етиштириш осон бўлмаганини ҳис этидик. Бақорда ёнган инилк бўлмади, ёда эса ҳарорат кескин ошиб кетди. Ҳар инкиси ҳам озми-кўпми пахтакорлар маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказди. Бунда тошкентлик олимлар ва мухтасасларнинг бевоқиф хўжалиқларига қолиб, амалий маслаҳатлар беришгани муҳим роль ўйнади.

Оқунбобоев номи қолхозда яна бир муаммога дуч келинди. Бу йил гўзани кутламаганида бегона ўт босди. Нима қилиш керак? Бунинг устига районида эски қўп миқдордаги инилли (23 тонна 800 килограм) шу хўжалик бериши керак эди. Бегона ўтга қарши кураш ва пилла қурти парвариши айна бир пайта тўғри келиб қолди. Ана шундай қолхозчиларнинг ватанпарварлик тўғрисида ҳамма нарсасдан устуни келди. Ниҳоят мўл ҳосил етиштирилди.

Бунда «Тошкент технология» сининг роилини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Қишлоқ ишлари шаҳар хаморини, ишлаб чиқарши билан фаннинг алоқиси мустақамлаштиганини ҳар қандай обҳаво қийинчиликларини енгиб ўтиш имконини бермоқда. Ташкилотчилик, тажриба ва йилин билрлаша, муҳажрадаги маррага эришиш қийини эмас экан. Ёлдош Оқунбобоев асос солган бу хўжалик пахтакорлари йиллик плани 10 эктибга юл, маъмуриятини эса 20 октябрга бажариш учун астойдил курашмоқдалар.



Т. Каримов фотоси.

### ТАРИХ ГИЛДИРАГИНИ ТЕСКАРИ БУРИБ БўЛМАЙДИ

Совет давлатининг АҚШ-чиқ-оидин позицияси КПССнинг ҳозирги авантюристик Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети

Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг баёотида ташқи сийсатининг йўлини қатъий қораламоқдалар. Буни пойтахтимиз санаот қорхоналари, ҳўжаликлари, ташкилот ва муассасаларида бўлиб ўтаётган митинглар яна бир бор тасдиқламоқда.

# ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг баёотида халқаро жамоатчилик ва матбуотнинг диққат марказида турди. Чет эл оммавий ахборот воситалари шу ҳўжати эълон қилиб, Совет Иттифоқининг йўли дунёо тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлашга, кескинликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини ялловлашга, давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва ҳуқурлаштиришга қаратилганини таъкидламоқдалар.

Болгариянинг «Работническо дело» газетаси эъади: Ю. В. Андроповнинг баёоти — АҚШ ҳукуматининг милитаристик мудоаолари ва авантюристик сийсатига муносиб равишда ҳуқур асослаб берилган жавобдир. АҚШнинг авантюрист сийсати тинчликни индий ҳавф солмоқда. Ана шу ниҳоятда муҳим ҳўжатда СССРнинг тинчликка бўлган бунимас иродаси го-яда равшан тасдиқланди. АҚШнинг империалистик доиралари ўларнинг хатарли, инсон эотиға душман сийсатини асослагани интилиб Совет Иттифоқига, социализмга тўртоғ туҳмат-бўхтонларини қоллаштириб ташламоқдалар, бунга президент Рейганинг ўзи етакчилик қилмоқда.

Совет Иттифоқи муттасил тинчлик йўлидан бормоқда, деб таъкидлайди ГДРнинг

«Нойес Дойчланд» газетаси, СССР қуролланиш пойгасига чек қўйишнинг муҳими ва лозими деб ҳисоблайди. Айна вақтида у бордию, Фарбий Европа мамлакатларининг кўндалки аҳолисини хоши-яродасига яллов равишда Американинг ядро ракеталари Европа қитъасида пайдо бўлидиган бўлса, бу нарса принципиал миқёсда тинчлик ишига душманлик қадами бўлади, деб огоҳлантиради. Совет раҳбари АҚШнинг Женева музокараларида қандайдир «элчиллик» елғончилиқдан бошқа нарса эмаслигини яққол кўрсатиб берди.

Совет Иттифоқи Европада ҳам стратегия, ҳам ўртача олинксика учирлагидан ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш ҳусусида олганини кўзловчи тақлифларига олган сўнби СССРнинг, социалистик ҳамдустлик давлатларининг ҳақсизлиги тўғрисидаги ҳақсизлик шун билан бирга барча мамлакатларининг ҳақсизлиги тўғрисида гапириб қилишда, деб эъади. Венгриянинг «Непсвадшг» газетаси,

«Нью-Йорк таймс» газетаси Ю. В. Андропов баёотининг тўла текстини эълон қилиб, қўндагиларини эъади: жуа одадан ташқари ва қатъий эъадида берилган баёотида Совет раҳбари Рейган маъмурияти давридаги Совет-Америка муносабатларининг бутун комплексини тилга олди. Москва Европада Америка ракеталарининг жойлаштирилиши тинчлик ишига душманлик қадами бўлади, деб огоҳлантиради.

«Вашингтон пост» газетаси эъади: Ю. В. Андропов «АҚШ» ни милитаристик йўлни ўтказиб келаётганлига айблади, бу йл ядро уруши ҳавфини Европада ўртача олинксика учирлагидан ядро ракеталарини рад этди ва Совет Иттифоқи вужуда келган ҳарбий стратегик мувозанатин бузиш йўлидаги ҳар қандай қайтарышга тегишли жавоб қайтара олади деб огоҳлантиради.

Францияда чиқадиган «Юманти» газетаси қўндагиларини эъади: Совет раҳбари айтиди, бошқа давлатлар ва халқларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмай АҚШнинг дунёда усту позицияларини эълонлашнинг таъминлашга уриниб қўриш Вашингтон милитаристик йўлининг ҳоқиятидир. АҚШнинг ҳарбий потенциални мислсиз даражада кўпайтирилаётганлиги, барча турдаги қу-

роллар, ядровий, химиявий, оддий қурол-проғлар ишлаб чиқаришининг кенг қилмадаги програмалари айна мана шу мақсадларга баъшланган. Эндиликда АҚШ тўхтовсиз қуролланиш пойгасини космосқа ҳам еишини планлаштирмоқда. СССР муҳим бир соволин ўртага қўяди: ҳар қандай соғлом фикрдаги киши тўхтатиш лозим бўлган чегарадан ошиб кетмаслик учун умуман Вадимтонда қандайдир бир тўхтатиш борми-йўқми?

Фарбий Германияда чиқадиган «Генерал-Анцайгер» газетаси қўндагиларини қайда утади: Совет раҳбари Совет Иттифоқининг холис ниҳатини унинг бир битмига келиш вагини ҳеч ким заифлик белгиси деб билмаслиги керакинлиги тўғрисида огоҳлантирди. Вужудга келган ҳарбий стратегик мувозанатин бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишга Совет Иттифоқи муносиб жавоб бера олади ва унинг сўзи билан иши бери.

Ю. В. Андропов АҚШ Шарқ билан Фарб ўртасида музокара қилишга амал қиллаётганлигини таъкидлаб, голлар қурашининг ҳарбий қурашга айлантирилиши бутун инсоният учун қаттар ташқари қимматга тушган бўлуради деб огоҳлантирди, деб эъади «Дейли телеграф» газетаси.

Япониянинг Киоде Цусия агентлиги қўндагиларини қўш қилади: Москва АҚШ раҳбарлари Европада ядро



# Фулом Раббоний Тобон — редакциямиз меҳмони ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ — КАТТА МАКТАБ

Хиндистон тараққиётпарвар ёзувчилар уюшмаси президиумининг раиси, ҳозирги замон ҳинд адабиётининг йирик наомандларидан бири, оташин шоир ва таниқли публицист Фулом Раббоний Тобон Осие ва Африка ёзувчилар бирдамлик ҳаракатининг асосий иштирокчиларидан бири, У Хиндистон Республикасининг энг юксак «Падама Шур» Давлат муқофотида ҳамда «Муди Голби» ва Жавоҳарлал Неру муқофотларига сазовор бўлган.




Фулом Раббоний Тобон «Тошкент оқшом» редакциясига ҳам таширф буюрди, бир неча саволларимизга жавоб берди.

— Маълумки, бундан 25 йил муқаддам Тошкентда чақирилган Осие ва Африка ёзувчиларининг биринчи анжуманида Хиндистон вакили сифатида иштирок этган эдингиз. Тошкент бу ерда дерайли кайта турлади. Шу кунларда ундай олган ҳақсиз ролларингизни ўртоқлашсангиз.

— Чоран эр чинда Тошкент қирғасан бутунлай ўзгариб кетди. Қўнча буй чўған осмонлар нморатлар, янгила-янги турар жой навартавлар, ҳар бири нарсга тенг фан ва маданият ўчоқлари, равон кўчалар, боғу хиёбонлар... Бундай улкан қурилишлар ўз кўлини билан кишини ҳайратга солади. Меҳмоннавоз Тошкент кишинининг меҳрига латифат қўшилганлигини кўриб, улар шаънида минг бор тасаннолар айтгим келади.

— Икки қитъа адиблари бирдамлик ҳаракатининг илк қадамлари гувоҳи бўлгансиз. Ана шу ҳақда сўзлаб берсангиз.



Яқинда 2000 йиллик тўйини нишонлаган қадимий ва нақирон Тошкент аҳлига ўз номидан, деҳлилик ҳамшаҳарларим номидан қизғин салом йўллаймиз. Ҳаётингиз ҳамisha осойишта ва фарвон бўлсин, дейман.

Фулом Раббоний ТОБОН.  
29 сентябрь, 1983 йил.

## БОШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА Улкан шифохона

Совет кишиларининг саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлаш партия ва ҳукумати-нинг доимо диққат марказида турибди. Шунинг учун ҳам кўп йиллар аҳоли шифохоналари, поликлиникалари, тугруқхоналари, диспансерлар ва бошқа шунга ўхшаш объектлар қўйиб кўтармоқда.

Бундай объектларнинг аксарияти «ГипроНИЗдрав» институтининг ўрта Осие филиали меъморлари яратган лойиҳалари асосида қурилмоқда.

Филнал мутахассисларнинг катта ишла-ридан бири бу — ўрта Осиедаги энг йирик бўлган Тошкент Давлат Медицина институтининг республика клиник шифохонаси лойиҳасидир. Архитекторлар Ю. Перова, В. Паньков, Б. Орипов, инженерлар Г. Кацис, Н. Шохназаровлар яқиндаги мансуб бўлган янги маъ-сум маскани 1980 ўринли бўлиб, пойтахтнинг Собир Раҳимов районида жойлашган. Комплекс 82 гектар майдонни эгал-лайди.

Шифохонанинг лойиҳа баҳоси 32,8 миллион сўм. Янги шифохона барча кли-ник мутахассислар бўйича малакали меди-цина ёрдами курсати-шига мулкдорлар. У республика аҳолиси учун медицина ёрда-ми курсатиш бўйича консултация маркази ҳам қўйиб қўлади.

Даволаш зонасида 870 ўринли терапевт-тик клиник корпуси, шу жумладан 240 ўринли болалар кли-ник корпуси қурилади. Қурилаётган 1110 ўринли хирургия кли-ник блокнинг 660

ўринли иккита палата корпуси ишлаб тура-ди. Бундан ташқари шифохона замонавий медицина таъминланган интенсив терапия, да-волаш-диагностика, фи-зиотерапия бўлимлари, лабораторияларга, лог-анатомик маркази ҳам қурилади.

Э. ВИЛЬКЕВИЧ, «ГипроНИЗдрав» институти ўрта Осие филиали илмий-техника ахбороти группаси раҳбари.

Ю. АНВАРОВ: Сақ-кизичи синфин бити-риб ишга кирдим. Бир йил ишладим. Энди миллионер бўлиш ниятдаман. Мени ўқитишга қабул қилин-гани ёки қабул қилин-майдими?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра СССР Ички ишлар министр-лигининг Тошкент олий ва ўрта макта-бларига Совет Армия-си сафидан ҳақиқий ҳарбий хизмат мудда-тини ўтаб келган йиллар қабул қили-нади. Бинобарин, Сиз хизматни ўтаб қайта-нингиздан сўнг олий ёки ўрта мактабга ки-ришингиз мумкин.



## • Шаҳримиз кошоналари

Ҳаммом жонга роҳат ва мулоим нарсадирки, ҳаммом ҳаммомлардан бошқа яхши нарса йўқ деб биладилар.

Ҳаммом қадим замонлардан буюн нафа-дат ювинадиган, балки даволашнинг яхши усули. Унинг ички томонидан ювиниш учун бешта-дан олтитадан олдидан умумий хона, иккитадан фин ҳаммоми жойлаштирилган. Ҳаммомнинг орқа қисми трапеция шаклида ба-ланд қилиб қурилган. Иккинчи қаватини чойхона эгаллаган. Чойхонага кўча томон-дан ҳам алоҳида оқшом зина орқали чиқиш мумкин.

Ҳаммом вестибюли, дам оладиган хонала-рининг деворлари ганч ташкил қилади. Функционал жиҳат-дан коммунал хона-лик бино бўлишига қарамай, у ўзининг тузилиши, нақшу-ни-горлари, гузал компо-зицияси, жойлашиши билан шаҳримиз ҳу-сунига алоҳида ҳусн қў-шиб туради. Ювиниб-енгилашиб, унинг ҳа-шаматли чойхонасида миниатюрли ҳовли-да завқли дам олиш хона-ларида бир нафас ўти-риш завқ ва ором беради.

Додо НОЗИЛОВ, Абу Райҳон Бери-вий номли Тошкент политехника институ-тининг доценти, архи-тектура кандидати.

Миниатюра шакли ҳов-ли унинг ҳамма қис-мларини боғлаб туради. Унинг ички томонидан ювиниш учун бешта-дан олтитадан олдидан умумий хона, иккитадан фин ҳаммоми жойлаштирилган. Ҳаммомнинг орқа қисми трапеция шаклида ба-ланд қилиб қурилган. Иккинчи қаватини чойхона эгаллаган. Чойхонага кўча томон-дан ҳам алоҳида оқшом зина орқали чиқиш мумкин.



## • АЖОЙИБ НАСИХАТЛАР

Қалби гузал одам муаттар гулга ўхшай-ди, унинг чеҳраси ёрмтой сўзи ширин, муомаласида пок дили кўришиб туради.

Мехнатдан ҳалол ноним, Роҳатда лшар жоним, Қолашга хону-ноним, Қолаш бўли яхши ноним.

Одамлар бу ҳалол, гоқдамон йигитни се-вар, хурматлашар, унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришар, доим меҳрибонлик кўр-сатишар эди. Йигит — Маҳмуд Тolib ҳам ҳаммага қўлидан келган хизматини алмас-эди. Унинг номи яхшилик билан тилга оли-ниб, қишлоқдан қишлоққа, кейин бутун юрт-га тарқалибди.

Умрининг белгиланган кунини тугаб, Маҳмуд Тolib тўсатдан қаза қилибди. Бутун қишлоқ, бутун юрт мотам тутибди. Дафн кунини қа-рустда бир одам йинига келганларга му-рожаат қилиб, сўрабди: — Халойиқ, Маҳмуд Тolib қандай одам эди?

Ҳамма бир овоздан дебди: — Яхши одам эди, пок йигит эди! — одамлар гурра шундай жавоб қилишибди.

Қишлоқнинг энг кенса отахонин, донишманд ханим Қобил бобо ўридан туриб, шундай дебди: — Эшитинг халойиқ! Инсон ҳаётга бир марта келади, бир умрин бошидан кециради, Шундай одамлар ҳам борли, бир умрда икки умрин яратиб кетадилар. Қишлоқимизнинг энг покдомон йигити Маҳмуд Тolib шундай инсон эди. У бир умрин сермамуни ўтказиб, одамларга яхшилик қилиб, иккинчи умрин яратди. Маҳмуд Тolib орамалда бўл-маса ҳам номи билан, пок руҳи билан қалби-мизда яшайди. Ана шунинг иккинчи умр дей-дилар.

Игитилган ёшу-қари ҳалол ҳаёт кечирган, софил, катта қалб эгаси Маҳмуд Тolibнинг умрига ҳавас қилдилар, унга ўхшаб яшаш-моқни оруз эдилар.

Ҳар кимнинг бир риққи-насибаси бор, лекин уни меҳнат ва пешона тери билан то-либ ёмоқ керак.

Рост сўзлайдиган одамнинг доим дили равшан, кўнгли тўқ, уйқуси оромли бўлади.

Кимни эгри йўлга бурмаса, манзилга етиб бормайди, ялаш учун алдамчилик ва ёлғончилик қилган одам ширин, тотли ҳаётдан ажралиб, ҳузур-ҳаловатни йўқотади.

Ҳаётда кимки тўғри бўлган деса, тўғ-ри йўлдан чиқмагани маъқул.

Рост сўзлаган — ҳақиқатнинг эгаси, Эгри сўзлар — ҳар қулфатнинг эгаси.

Манманланган одамдан, ёлғончидан, субутенз кимсадан яхшилик кўрмаган.

## • Х. УМАРОВ: Ҳар-бий комиссариат томо-нидан шоферлар тай-ёрлаш курсига ўқишга юборилиши. 2,5 ой шу гулланам.

Шунча мудат ўқинганлигидан ҳақиқий комиссариат томонидан бе-риланган справкани иш-хонамга топширдим. Лекин менга ҳақ гў-лашмади. Шу тўғри-ми?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра ҳарбий комиссариатлар шо-фернинг курсларини аялламаган ҳолда ташиқ қиладилар. Айрим ҳолларда ўқиш кундузи олиб бори-лиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам ҳарбий ко-миссариат справна беради. Бу справна учун шаҳарда жой-лашган корхона ҳақ тўламайди. Қишлоқ жойларида эса шофер-ликка ўқиган ўсмир-ларга ойлик маошини 30 проценти миқ-дорда ҳақ тўланади. Бинобарин, корхона-гиз маъмурияти қонуни бўйича иш тугган.

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра ҳарбий комиссариатлар шо-фернинг курсларини аялламаган ҳолда ташиқ қиладилар. Айрим ҳолларда ўқиш кундузи олиб бори-лиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам ҳарбий ко-миссариат справна беради. Бу справна учун шаҳарда жой-лашган корхона ҳақ тўламайди. Қишлоқ жойларида эса шофер-ликка ўқиган ўсмир-ларга ойлик маошини 30 проценти миқ-дорда ҳақ тўланади. Бинобарин, корхона-гиз маъмурияти қонуни бўйича иш тугган.

Н. МҲМИНОВ: Шаҳримизда буқри болаларини даволай-ган ва уларга билим берадиган махсус мак-таб бор деб эшитдим. Илтимос, шу мактаб-нинг адреси, ўқитиш қайси тилларда олиб борилиши ҳақида маъл-умот берсангиз.

Жавоб: Ҳақиқатан ҳам шаҳримизда буқри болаларини даволай-диган ва уларга таъ-лим берадиган мактаб-интернат санаторийси бор. 440 ўринли бу мактаб Саноят кўчаси-даги 14-уйда жойлаш-ган. Таълим бериш пус ва ўзбек тиллари-да биринчи синфдан бошлаб сақкизичи синф-гача олиб борилади. 77-45-71 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб қўшмача маълумотлар олишингиз мумкин.

Б. МАНСУРОВ: Ниқси фарзандимиз бор. Рафиқам уй бекаси, Ишхонамдан олган йиллик даромадидан 2262 сўмини ташкил қилди. Шунга қарамасдан фарзандларим-га ҳам таъминланган ойда сифатида нафана таъинлашмади. «Сиз-нинг томорқангиз бор, ундан ҳар ойда 15 сўм даромад олиши-нгиз керак, у ҳам йил-лик даромадингизга қўшилади», дейинди. Ахир у ердан мен умуман фойдаланмай-ман-ку?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра томор-қаси бор кишиларнинг йиллик даромадида шу ер участчасида етиш-тирилган сабаот, мавжуд мевадордан олаётган ҳосил қийма-ти ҳар ойда 15 сўм миқдорда қўйилади. Бинобарин, ўзингизга қаршили ердан фойда-ланшингиз шарт.

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра томор-қаси бор кишиларнинг йиллик даромадида шу ер участчасида етиш-тирилган сабаот, мавжуд мевадордан олаётган ҳосил қийма-ти ҳар ойда 15 сўм миқдорда қўйилади. Бинобарин, ўзингизга қаршили ердан фойда-ланшингиз шарт.

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра томор-қаси бор кишиларнинг йиллик даромадида шу ер участчасида етиш-тирилган сабаот, мавжуд мевадордан олаётган ҳосил қийма-ти ҳар ойда 15 сўм миқдорда қўйилади. Бинобарин, ўзингизга қаршили ердан фойда-ланшингиз шарт.

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра томор-қаси бор кишиларнинг йиллик даромадида шу ер участчасида етиш-тирилган сабаот, мавжуд мевадордан олаётган ҳосил қийма-ти ҳар ойда 15 сўм миқдорда қўйилади. Бинобарин, ўзингизга қаршили ердан фойда-ланшингиз шарт.

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра томор-қаси бор кишиларнинг йиллик даромадида шу ер участчасида етиш-тирилган сабаот, мавжуд мевадордан олаётган ҳосил қийма-ти ҳар ойда 15 сўм миқдорда қўйилади. Бинобарин, ўзингизга қаршили ердан фойда-ланшингиз шарт.

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра томор-қаси бор кишиларнинг йиллик даромадида шу ер участчасида етиш-тирилган сабаот, мавжуд мевадордан олаётган ҳосил қийма-ти ҳар ойда 15 сўм миқдорда қўйилади. Бинобарин, ўзингизга қаршили ердан фойда-ланшингиз шарт.

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра томор-қаси бор кишиларнинг йиллик даромадида шу ер участчасида етиш-тирилган сабаот, мавжуд мевадордан олаётган ҳосил қийма-ти ҳар ойда 15 сўм миқдорда қўйилади. Бинобарин, ўзингизга қаршили ердан фойда-ланшингиз шарт.

## • ДАМ ОЛИШ СОАТИДА



Фрунзе ва Акмал Икромов районларининг озиқ-овқат савдоси вакиллари шаҳардан таш-қарига ўзига ҳоз саёхат уюштирмоқчи бўлидилар. Автобусларга ўтиришиб йўлга равона бўлишди. Одатда катта давралар-да бўлган сингари уллар орасида ҳам балиқ оқи-нини устаси Фарангларининг бор экан. Уни Тўл-қин деб аташди. Тўлқиннинг бақтига тат-бинининг сўми жойла-ридан бўлиб, унчалик катта бўлмаган дарча бўйидаги соя-салқим да-рахтлар таъжибга жой кў-ришди. Тўлқин илгаридан овга ҳамна нарсани тайёрлаб кўйган экан. Автобуслар тўхтаб ул-ғурмасданок бахтини синиб кўришга киришиб кетди. Теъдга қармоққа чувалчанларини илгити-риб, унн сувга ташладди. Бир соат кутди, икки соат кутди, иш фойда-сиздек тўйилган эди, бирданга пуфкача ки-мирлаб қолди ва у устали билан ўлкасини сувдан кўтарди.

— Е тавба, бу нима,— дея Тўлқин ҳайратдан кўзларига ишонмади,— кечачу меҳмонда бўл-моқдими, бутун ҳам «Ил-гити» пивосидан бошқа бирон нарса истаёмол қилмоқдими.

Унинг қармоғида илган... тилла балиқча кўш нурда товланиб туради.

— Бундан ҳам катта-роқ улка бўлади,— ўз-ўзига гапирди Тўл-қин,— қўлингиз олмай-санми.

Чиндан ҳам болалар-нинг қадимий эртагида бўлгани ваби тилла ба-лик роставкига одам-чиқариб қўйилди. Сал наридаги ўйиқда эса лардек овоз билан та-лпир бошлади. Тилгаи эвазига турли хил нарс-аларни тақлиф қилди.

— Кўйиб юбора ко-линг буни,— дея тақ-лиф этишди уллар Тўл-қинга,— балиқча бизга тақлиф этаётган нарс-аларини соф меҳнатимиз билан ҳам топарамиз. Яхшиси келинган у-бу нарсадан тоғиб кўрай-лик.

## «МОНГОЛИЯ ТАРИХИ» ЧАЙВОРДИ

1. Совет-монгол дўстлиги асар-лари муаллифи бўлган монгол ёзувчиси. 2. Монгол кинорежиссё-ри. 3. Фарбий Монголияда яшовчи бугунги бир тур. 4. 1934 йилда мамлакатнинг итисодий аҳоли дўстлигини асар авторларидан бири. 5. «Олтой» романсининг айти-вари. 6. Монголия телеграф агентлиги. 7. 1440—1455 йиллар-даги Монголия хон. 8. Мўғул фео-дал империясидаги бошлиқларга берилган ном. 9. Ватанимизда таълим олган монгол дўстлиги жаҳитининг раиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, МХР Қаҳрамони. 11. 1758 йилда ман-журлар томонидан тугатилган хонлиги. 12. Монголия қурилиш утказидаётган шахар. 13. Монго-лия пул бирлиги. 14. 1915 йил-

да учлик битими тузилган Монго-лиядан шахар. 15. Монголияда ривожланиб бораётган соҳа. 16. МХР Қаҳрамони ҳақидаги Д. Сан-гез асари. 17. Монгол револю-ционерлари Совет Россияси билан алоқа ўрнатиш учун музокара олиб боришган Россиядан шахар. 18. Ийрик дарё. 19. Монгол ада-биётининг ривожига муҳим роль ўйнаган ёзувчи. 20. «Тошқин» фильми режиссёри. 21. Револю-цион ёзувчи. 22. СССР ёрдамин билан қайта тикланган шахар. 23. Монгол халқ оғзаки ижоди. 24. Бир жойда яшовчи мўғул оналарни ёрлашмаси. 25. XIII аср ўрталарида Мўғулистондан Фарғона vodiкига кўчиб келган ўзбек қабиласи.

Тузувчи: Ф. ГАФУРОВ.

## ҲАМТОВОҚЛАР БАЗМИ

ЕКИ «СЕНДАН УГИНА — МЕНДАН БУГИНА».

Арман коньягини эн-дигина бир рюмкадан тоғиб кўришган, Фрунзе район озиқ-овқат савдо-сига қарашли 4-магазин сотувчиси М. Нурматов кутилмаганда ҳамма-парига ўзининг орзусини айтиб қолди.

— Билсизларми, ба-ликчадан имани сўраш керак эди! Бизнинг ма-газинларимизда текши-ришлар ўтказилмасин. Мана яқиндагина мага-зинларимизга савдо бўйича шахар Давлат инспекцияси ходимлари келиб-кеттишганди. Мен бир оварроқ кишини 90 тингига туширигандим. Харидорку буни билма-ди-я, лекин инспектор сўзиб қолди. Ушунда ҳурматли магазин муди-ринимиз А. Жалиловга менга жуда яхши харак-теристика бериб, бу ха-тога тасодифан кўл қўй-ганини ибтотлашга тўғ-ри келганди. Булмаса кўнглисизлик бўлиши

## 24 СЕНТЯБРДАГИ «ЭНИГА...»

КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Телевизор. 2. «Шанба оқшоми» Лермонтов. 3. «Хаме-леон». 4. «Светлана». 5. Ондатра. 6. Нилу-фар. 7. Саксовул. 8. Анақода. 9. Коррел-тор. 10. Қорабайир. 11. Ломоносов. 12. «Библионом». 13. Ми-ронова. 14. Киллоитр. 15. Қорбобо. 16. Чой-болсон. 17. Мопассан. 18. Ошпазлик. 19. Хиндистон. 20. «Кол-хид».

ма буни рўйхат бўйича тақсимлади, деб ўй-лаётизми! Йўқ, намёб махсулотлар факат те-лефон кўнғироғи бўйича тарқатилади. Масалан, райишчегордан кўнғи-роқ қилишиб, 24-мага-зинга 225 банка пасте-ризация қилинган сүт,

эҳтимол савдо шаҳобча-ларини хафа қилётган бўлманлар. — дея са-вол назари билан қараш-ди ҳамма.

— Нега энди, Мухад-дас қондан унутаркам-изми? — писмичили билан кўлиб қўйди ом-бор мудири. — «Сен-менга, мен сенга», бу қондан унутганимиз йўқ. Факат Бош бошқар-ма 1983 йилнинг 14 ию-нида қабул қилган намёб товарлар қайси магазин-га зарур бўлса ўша ерга юборилсин деб айтилган 109-буйруқини айланиб ўтамиз холос,— дедю вақтида қафти билан оғзини беркитди, бўл-маса жуда хурматли бир кишининг фамилия-сини айтиб юборар эди.

Ҳамкасбларнинг қиз-гин фикр алмашуви яқшарба кунги илгор тажриба мактабиди, кеңирсиз саёри-саёт-хатда яна узоқ вақт давом этди. Бу ерга номи тилга олинган ва олинмаган, ўз соҳа-сининг катта ва ки-чки балиқлари йигилиш-ган эди.

Аммо пештахта ходи-ларининг бутун суҳбат-и давомида сасиган ба-ликнинг бадбўй ҳиди аниқиб туради. Агар-да сайри-саётхатда рай-ишчегор раҳбарлар каби каттарок балиқ ҳам бўлганда эди бу ҳид яна-да қўнса бўлар эди. Чунин балиқ бошдан сасийди. Улар бундай сайри-саётхатни хуш кў-ришмайди-да.

